

# **Бозорлардаги нарх-наво маълум қилинди**

7 0

Image not found or type unknown

Давлат статистика қўмитаси бозорлардаги нарх-наво тўғрисида маълумот берди.

## **Мол гўшти (суяксиз гўштидан ташқари) 37 000 сўмдан 65 000 сўмгача (кг)**

Кузатув натижасига кўра, 1 кг мол гўштининг (суяксиз гўштидан ташқари) минимал нархи, Нукус шаҳрининг «Нукус дехқон бозори»да қайд этилган (37 000 сўм). Мол гўштининг максимал нархи эса, Тошкент шаҳрининг «Олой дехқон бозори» «Фарҳод дехқон бозори» ва «Миробод дехқон бозори»да кузатилди (65 000 сўм).

## **Қўй гўшти 39 000 сўмдан 75 000 сўмгача (кг)**

Қўй гўштининг минимал нархи кузатув натижасига кўра, Тошкент шаҳрининг «Миробод дехқон бозори»да (39 000 сўм) рўйхатга олинган. Максимал нархи эса, Тошкент шаҳрининг «Олой дехқон бозори»да (75 000 сўм) кузатилди.

## **Картошка 1 500 сўмдан 6 000 сўмгача (кг)**

Олиб борилган кузатув натижаларига кўра, картошканинг минимал нархи Андижон шаҳрининг «Янги бозор дехқон бозори» ва «Андижон шаҳар марказий дехқон бозори», Термиз шаҳрининг «Марказий дехқон озиқ-овқат бозори»да қайд этилган (1 500 сўм). Максимал нархи эса, Тошкент шаҳрининг «Миробод дехқон бозори»да (6 000 сўм) қайд этилди.

## **Пиёз 500 сўмдан 3 000 сўмгача (кг)**

Кузатув натижасига кўра, пиёз маҳсулотининг минимал нархи Термиз шаҳрининг «Марказий дехқон озиқ-овқат бозори»да (500 сўм) рўйхатга олинди. Максимал нархи эса, Урганч шаҳрининг «Урганч марказий дехқон бозори», Тошкент шаҳрининг «Олой дехқон бозори» ва «Миробод дехқон бозори»да кузатилди (3 000 сўм).

## **Сабзи 1 000 сўмдан 5 000 сўмгача (кг)**

Сабзи маҳсулотининг минимал нархи кузатув натижасига кўра, Жиззах шаҳрининг «Эски шаҳар дехқон бозори», Термиз шаҳрининг «Марказий дехқон озиқ-овқат бозори» ва «Термиз шаҳар дехқон озиқ-овқат бозори», Гулистан шаҳрининг «Гулистан дехқон бозори», Фарғона шаҳрининг «Марказий дехқон бозори», Тошкент шаҳрининг «Фарҳод дехқон бозори»да (1 000 сўм) қайд этилган. Максимал нархи эса, Тошкент шаҳрининг «Олой дехқон бозори»да (5 000 сўм) кузатилди.

## **Тухум 6 000 сўмдан 13 000 сўмгача (10 дона)**

Тухум маҳсулотининг кузатув натижасига кўра, минимал нархи Гулистан шаҳрининг «Гулистан дехқон бозори», Тошкент шаҳрининг «Фарҳод дехқон бозори»да қайд этилди (6 000 сўм). Максимал нархи эса, Тошкент шаҳрининг «Олой дехқон бозори»да қайд этилган (13 000 сўм).

## **Гуруч 4 500 сўмдан 18 000 сўмгача (кг)**

Кузатув натижаларига кўра, гуруч маҳсулотининг минимал нархи Нукус шаҳрининг «Нукус дехқон бозори»да рўйхатга олинган («Нукус 2» навли гуруч 4500 сўм). Максимал нарх эса, Тошкент шаҳрининг «Олой дехқон бозори» ва

«Миробод дехқон бозори»да кузатилди («Лазер» навли гуруч 18 000 сўм).

### **Ўсимлик ёғи 8 400 сўмдан 14 500 сўмгача (литр)**

Ўсимлик ёғи маҳсулотларининг кузатув натижасига кўра, минимал нархи Тошкент шаҳрининг «Эски жўва дехқон бозори», «Қўйлиқ дехқон бозори» ва «Миробод дехқон бозори»да (маҳаллий пахта ёғи 8 400 сўм) кузатилди. Максимал нархи эса, Тошкент шаҳрининг «Олой дехқон бозори»да (кунгабоқар ёғи 14 500 сўм) кузатилди.

### **Шакар 5 500 сўмдан 7 000 сўмгача (кг)**

Шакар маҳсулотининг кузатув натижасига кўра, минимал нархи Тошкент шаҳрининг «Олой дехқон бозори», «Фарҳод дехқон бозори», «Миробод дехқон бозори», «Эски жўва дехқон бозори» ва «Қўйлиқ дехқон бозори»да (5 500 сўм) қайд этилди. Максимал нархи эса, Тошкент шаҳрининг «Миробод дехқон бозори»да (7 000 сўм) кузатилди.

**Манба: Халқ сўзи**